ШАРҚДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ

У.Х. Бўтаев

Мақолада тараққиётни таъминловчи ижтимоий-маданий омилларнинг роли ва уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари ҳамда таъсир этувчи воситалари ёритилган. Дунё халқлари тинчлигини таъминлашнинг долзарб ва муҳим вазифа экани асосланиб, тинчлик халқларнинг миллий маънавиятида намоён бўлувчи сиёсий-психологик жараён сифатида талқин қилинган.

Калит сўзлар: *тараққиёт, халқ, миллат, давлат, жамият, миллий манфаат, тинчлик, уруш, стратегия, барқарорлик.*

В статье анализируется роль социально-культурных факторов и средств, обеспечивающих развитие, указываются особенности их проявления в области обеспечения мира и стабильности. Обоснована актуальность и важность обеспечения мира, что рассматривается как политико-психологический процесс, проявляющийся в нравственности всех народов.

Ключевые слова: *развитие, народ, нация, государство, общество, национальный интерес, мир, война, стратегия, стабильность.*

This article analyzes the role of socio-cultural factors and facilities, having influence on the development and features of their occurrence in the field of ensuring peace and stability. It also deals with ,analysis of the importance of peace for the people, as far as this issue is relevant, also a manifestation of national spirituality in well-being of the political-psychological process in considered.

Key words: *development, people, nation, state, society, national interest, peace, war, strategy, stability.*

Маълумки, тинч-осуда ҳаёт кечириш инсониятнинг азалий орзуси ҳисобланади. Аммо мазкур воқелик баъзи бир замон ва макон учун орзу сифатида қолиб келмоқда. Шундай бўлса-да, бугун Ўзбекистон жамиятида юрт тинчлиги ва барқарорлиги миллий маънавиятимизнинг таркибий қисмига айланди десак, муболаға бўлмайди. Бунга биринчи асосий сабаб кўп минг йиллик тарих давомида ота-боболаримизнинг юрт озодлиги ва тинчлиги йўлидаги юксак матонати бўлса, иккинчи сабаб халқимиз қалбидаги шукроналик ҳиссининг исломий таълимотлар билан суғорилиганидир. Халқимизнинг қалбидаги шукроналик Аллоҳ (Қуръони карим)га бўлган ишонч, Пайғамбаримиз (с.а.в) (ҳадислар)га бўлган муҳаббат, ислом динига эътиқод асосида уйғунлашди.

Шу боисдан тинчлик ва барқарорлик бутун инсоният учун бебаҳо неъмат, улуғ саодат сифатида тавсифланади. Бу эса унинг жаҳондаги барча халқлар томонидан қадрланиши, сақлаш учун курашилиши, барқарор ижтимоий-иқтисодий шароитларда яшашга интилиши аксиома тарзида қабул қилинади деганидир. Дунёда бирор бир халқ уруш ёки қон тўкишга, қирғинбарот ёхуд ғалаёнга даъват қилмайди, балки тинчлик ва хотиржамликка, барқарор тараққиёт ҳамда ички тотувликка интилиб яшашга ҳаракат қилади.

Бугунги кунда “тинчлик” тушунчаси халқлар ва миллатлар маданиятида турлича эътироф этилиб, уларнинг афсонавий, диний ва бадиий меросида алоҳида эътироф этилади. Чунки ҳар бир халқнинг тақдирини белгилашда миллий эҳтиёжлар инобатга олинади, уларни татбиқ этиш ёки ҳимоясини амалга ошириш учун мавжуд ресурсларига таянилади. Бунда ресурс сифатида илм-фан, ишлаб чиқариш соҳалари, саноат, ер усти ва ер ости бойликлари, техника, армия, аҳолининг саводхонлик даражаси кабилар тушунилади. Шу сабабли тинчлик давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун ҳаётий зарур шарт-шароитларни белгилаб, халқлар ва давлатлар ўртасида миллий манфаатларнинг инобатга олиниши, ташқи сиёсатнинг зўравонлик воситаларисиз олиб борилиши, очиқдан-очиқ ҳарбий тўқнашувлар олиб бормаслик, халқаро шартномаларга оид мажбуриятларни бажаришига асосланган яхлит иерархик тизим сифатидаги категориянинг мажмуавий йиғиндиси ҳисобланади.

Тинчлик ва вайронкорлик орасидаги муносабат эзгулик ва ёвузлик орасидаги кураш каби азалий ва абадийдир. Дарҳақиқат, “Менинг назаримда, - деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, - одамнинг қалбида иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини қўзғатиб юбориш осонроқ” [1].

Агарда тинчлик тушунчасининг макро даражадаги таҳлил ва талқини борасида фикр юритсак, Ғарб ва Шарқ маконида яшаётган халқлар маънавиятидаги парадокс ҳолатларни кузатиш мумкин. Чунончи, “тинчлик” тушунчасининг фалсафий мазмуни Ғарб мутахассисларининг асарларида “уруш” тушунчаси билан қиёсий тарзда ёритиб берилганини кўришимиз мумкин. “Уруш” ўз мазмунига кўра давлатлар ва миллатлар ўртасида йиллар давомида қарор топган муносабатларнинг тубдан ўзгариб кетиши, юзага келган низолар ривожланиш динамикасининг сўнгги на-

тижаси сифатида қарши томонлар муайян (сиёсий, иқтисодий ва б.) мақсадларни амалга ошириш учун олиб борадиган восита деб қаралади. Бу борада мутахассис К.Гаджиев шундай дейди: “Урушлар билан боғлиқ бўлган халқларнинг бутун бир тарихи аслида инсоннинг ўйин-кулгу ва қўшиққа майли бўлгани каби унинг табиатида (вайронкорлик кўринишида –У.Б.) намоён бўлади”. Шу тариқа инсон ўз эҳтиёжларини қондириш йўлида воситаларни ихтиро этиб, натижада қудратли воситаларга эгалик қилади. Бу қудратли восита инсонга куч, завқ бағишлаб, ҳукмронлик қилиш имкониятини яратади. Бу ҳаракатнинг замирида эса тинчликка таҳдид солувчи деструктив куч ифодаланган бўлади деб эътироф этади.

Биринчиси, тинчлик – фақат уруш орқали таъминланиши таъкидланиб, бунда “тинчлик ва уруш” инсонларнинг антагонизмига хос хусусият деб баҳолайди ва бунда инсонлар тинчлик учун курашишни ўлимдан устун қўяди деган бир ҳақиқат кузатилади. Бундай ҳолатда инсонда фақат яшаб қолиш истаги устувор бўлиб, шу истагида ҳар қандай агрессив ҳаракатлардан тийилмаслик намоён бўлади. **Иккинчиси,** тинчликни таъминлашда турли хил ижтимоий гуруҳларнинг тўқнашувлари натижасида гуруҳий манфаатлар, ресурсларни эгаллаш ва бошқариш ҳиссининг кучли бўлганини кўриш мумкин. Бунда, албатта, кучлилар ғолиб бўлиб, кучсизлар ҳаёти давомида қулга айланиб боради деган тамойил устувор саналади.

Шарқда эса, “тинчлик” ва “уруш” тушунчалари анча ўзгача, кўпроқ ижтимоий-фалсафий мазмун касб этади. Жумладан, Шарқ мутафаккирлари Лао Цзи, Кун фу Цзи, Мэнь Цзи, Будда ва уларнинг кўплаб издошларидан то Шарқ Ренессансининг буюк вакиллари Форобий, Беруний, Хоразмий ва, қолаверса, Навоийгача бўлган барча алломалар асарларида қонли тўқнашув, яъни уруш инсонийликка мутлоқ зид тушунча сифатида қораланади. Шу боисдан Шарқда, хусусан, мамлакатимизда тинчлик юксак қадрланади ҳамда уни ўз орзу-умидлари, олий мақсадларининг кафолати деб билинади.

Маълумки, осойишталик, тинчликни сақлаш, тинч-тотув яшаш ўзбек халқининг бетакрор қадрияти, бурчи ҳисобланади. Бу бурч ота-боболаримизнинг тинчлик учун олиб борган курашлари эвазига бизга мерос бўлиб келаётган олий қадрият ҳисобланади. Ўзбекистонда тинчлик ижтимоий мазмун касб этади. Чунки тинчлик ўзбек халқида “**Оила↔Маҳалла↔Давлат↔Жамият**” сўнгра **“Минтақавий↔Халқаро↔Глобал”** муносабатлар тизимида ўзаро уйғунлашиб “ўзбек халқининг тинчлик фалсафасини” ташкил этади. Шундан келиб чиқсак, ўзбек миллий фалсафасининг борлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин: 1) ўзбек халқи ижтимоий-тарихий ва маданий жараёнларнинг фаол субъекти сифатида башарият ривожида ўз ўрнига эга; 2) олам ва одам ҳақида мулоҳаза юритиш ижтимоий онг, менталитет – барча миллатларга, жумладан, ўзбек халқига ҳам хос; 3) шу халққа хос идеаллар, фазилатлар, ўтмиш ва келажакка доир ўйлар унинг буюк фарзандлари ижодида мужассамдир. “Ўзбек фалсафаси” иборасини қўллаганда, ён атрофимиздаги қардош халқлар ҳам ўз фалсафасига эгами, деган савол туғилади [2]. Албатта эга. Агар биз бу борада фикр юритадиган бўлсак, Шарқ маконидаги Хитой давлатига, унинг юксалиш фалсафасига назар ташлаб, унинг айрим ўзига хос хусусиятлари борлигини ҳамда бу жиҳатлар ўзбек халқининг миллий фалсафасига ўхшаш эканлигини кўриш мумкин.

Шиддат билан ўзгараётган дунёда кўпчилик мутахассислар Шарқ маконида Хитой давлатининг юксалиш фалсафаси тўғрисида сўз юритар экан, бунга ўзига яраша объектив ва субъектив сабаблар борки, қизиқишади. Бунинг асосий сабабларидан бири эса хитой халқининг миллий менталитети масаласидир. Чунки ўзбек ҳамда хитой халқларининг миллий менталитетида тинчлик ва барқарорликни эъзозлашнинг устуворлиги бу икки халқнинг бугунги кундаги тинч йўл билан юксалиш мавқеини ифода этади. Шу боис биз Шарқ ва Ғарбнинг бу борадаги ютуқларини ўрганишимиз, қиёсий таҳлил этишимиз ва ундан керакли хулосаларни чиқариб яшашимиз даркор. Зеро, бу ўзбек фалсафасининг янада ривожланишига хизмат этиб, ўзбек миллий фалсафаси бор эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бу борада қисқача тўхталишни жоиз билиб, “Хитойнинг тинч юксалиш ғоясининг сири нимада?” деган саволга жавоб топишга имкон қадар ҳаракат қилдик. Хитойнинг миллий қадриятлари, миллий анъаналари ҳеч қачон замонавий қадриятлар билан тўлиқ алмаштирилмаган. Аксинча, Хитойда доимо анъанавий қадриятлар симбиоз сифатида авлоддан-авлодга ўтиб, пайдо бўлган янги қадриятлар билан ўзаро бир-бирини тўлдириб келган [3.30]. Шу билан бирга, Хитойда ташқаридан кириб келаётган ғоялар ва таълимотлар “хитойлашиб” кетган ва бу давом этмоқда. Ҳиндлардан келган буддизм Хитойда Махаяна (оқилона буддизм) шаклида тарққий этган бўлса, ҳозирги вақтда коммунизм ғоялари “хитойлашмоқда” [4.280]. Бу Хитойда ижтимоий барқарорлик, жамият осойишталигини сақлаш ва тўғри одоб-ахлоқ воситасида, ҳар бир фуқаронинг маънавий софлигини сақлаш йўли билан жамиятнинг табиий тараққиётига эришиш мумкин, деган ғоя халқ дунёқараши сифатида шаклланганидан далолат беради. Бошқача айтганда, бу хитой халқида табиий ҳаёт оқимини зўрлик билан ўзгартирмай, ҳаётга, табиатга камроқ таъсир этиш, космик тартибот уйғунлигини бузмаслик ғояси асрлар давомида шаклланиб келган ва бугун ҳам мазкур тартиботга амал қилинаётганидан дарак беради. П.Гайденко таъкидлашича, “оламни шоирона даҳолик билан, интуитив, ҳиссий англаш тарихий вазиятни тушуниш қуввати хитойликларни гўёки расмийлашган “илғор” ҳисобланган давлатларга тенглашиш ғояларидан асраб туради [5.156]. Оила тинч-тотув-

лиги, фарзандларнинг ота-онага, ёши улуғларга иззат-ҳурмати жамият аъзоларининг аҳиллиги ва тинч-тотувлигига ижобий таъсир кўрсатади. Донишманд Конфуцийда кўп асрлар аввал пайдо бўлган бундай оилавий ритуал (этикет) кейинча унинг издошлари, маслакдошлари томонидан минг йиллар давомида фақат Хитой ҳаётигагина сингдирилмади. Пировардида бу одат Конфуций таълимоти билан яшовчи Жануби-Шарқий Осиё минтақасининг барча халқлари менталитетига хос ижтимоий-ахлоқий таълимотлар тизимига айланди [6.134].

2015 йилдан бошлаб Хитой ўзининг ташқи сиёсатида ҳам “Хитойга хос хусусиятлар”ни ўзида мужассам этган янги дипломатияни амалга ошириш вазифаларини белгилаб олди. Унга кўра, халқаро муносабатларда “Мустақиллик ва тинчлик, адолат ва тенглик ғояларини илгари суриш, дипломатия стандартларига қатъий риоя қилиш, барча мамлакатлар билан ўзаро муносабатларда ютуқларга эришиш, манфаатларидан келиб чиқиб ҳамкорлик қилиш мақсадлари Хитой ташқи сиёсатида устуворлик қилади” [7.4]. Дарҳақиқат жаҳон маконида “учинчи дунё” деб келинган давлатлар орасида Хитой ҳам мавжуд. Аммо унинг бугунги кундаги иқтисодий ва сиёсий юксалиш фалсафасини ўша “учинчи дунё” деб атаётган Ғарб цивилизацияси ҳам тан олмоқда. Таниқли тарихчи-африкашунос, академик А.Давидсон илмий муомалага киритган “Дунёни афро-осиёлаштириш” концептининг жаҳон интеллектуал ва сиёсий элитаси томонидан маъқулланиши ҳам фикримизнинг далилидир [8.146]. Шуни ҳам айтиш керакки, юқоридаги фикрлар моҳияти айнан Шарқ диёрида ўзбек ва хитой халқларининг ўзига хос ўхшаш хусусиятлари мавжудлигини ҳам кўрсатади. Чунки бу икки халқнинг ўхшаш жиҳатлари дунё давлатларини лол қолдириб келмоқда. Бунинг асл сабаби, юқорида айтганимиздек, икки давлат халқларининг тинчлик ва барқарорликни қадрлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларининг амалий ифодасидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ “Қўшнинг тинч – сен тинч” деган азалий халқ ҳикматига амал қилиб келмоқда. Халқимиз адолат, тинчлик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир. Булардан кўзланган мақсад ҳам битта. У ҳам бўлса, тинчликни, ўзбек халқини, унинг давлатчилигини миллий ғоя билан мужассамлаштиришдир. Миллий ғоя-тарихий хотира демакдир. Биринчи президентимиз ўз пайтида “тарихий хотирасиз – келажак йўқ” деганларида тамомила ҳақ эдилар. Тарихий хотира эса ҳақиқатдан иборат бўлиши керак. Туб ҳақиқатни билган, онгининг аллақандай асоссиз маълумотлар билан заҳарланишига йўл қўймаган халқ бугунги таҳликали ва мураккаб жараёнда тўғри йўл топа олади ҳамда шу билан ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаб боради. Тарихни англаган, оқни қорадан ажратишни билган халқ мумкин қадар кам хатога йўл қўяди. Бу ҳам миллат салоҳиятидир [8].

Хуллас, бугунги кунда аксарият барқарорликни инсоният учун ягона таянч деб эътироф этаётган экан, демак, унинг шуурида урушга ўрин қолмайди. Бунга инсоннинг ақлу-заковати ҳамда қурби етади деган умиддамиз.

Мазкур мақолани файласуф олим Виктор Алимасовнинг қуйидаги фикрлари билан тугатишни жоиз топдик. Олимнинг “Фалсафа ҳаёт яратмайди, уни ўрганади. Файласуф борлиқни шакллантирмайди, уни таҳлил қилади. Ўрганиш, таҳлил қилиш қачон мукаммал бўлган?! Ахир инсоннинг ўзи мукаммал эмас-ку! Мукаммални фақат Мукаммал ярата олади. Ҳар қандай дурдонадан камчилик, қусур топиш мумкин, чунки уни номукаммал шакллантирган. Одамнинг ушбу ожизлигини тушуниб, кечириб яшаш имкони берилган бизга” [2] деб таъкидлаши замирида ҳам ҳар қандай инсон ва унинг томонидан яратилган нарса ва ҳодисалар мукаммал эмаслиги назарда тутилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин! // Тафаккур.- 1998.- №3.

2. Суқротлар керак бизга. Файласуф олим Виктор Алимасов билан суҳбат. // Тафаккур.- 2016.- №1.- Б.3-12

3. Экономика: анализ достижений и постановка новых задач // Азия и Африка сегодная.- 2004.- №11.- Б.30

4. Избери жизнь. Диалог Арнольда Тойнби и Дайсаку Икеды.- М., 2008.- Б.360-363

5. Гайденко П. Хосе Ортега-и-Гассет и его “Восстание масс” // Вопросы философии.- 1989.- №4.- Б.156

6. Ким В. Диаспора как термин этнополитологии. // Вестник СПбГУ.- серия 6, вып 3. Философия, культурология, политология, право, международные отношения.- Б.134

7. Ван И. Год - символ мира развития // Китай.- 2015.- №2.- 2015.- Б.12-17

8. XIII съезд российских востоковедов в Казани - // «Восток»/ «Orients».- 2013.- №1.- Б.146

Ўзбекистон миллий университети,
2016 йил 5 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Эргашев)